O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 18 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 56 (7355)

Da'vat

Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас.

КАЙКОВУС

Ibrat

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги 20-ва 23-мактабларда синфлар кутубхонаси ташкил этила бошлади.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ҒОЯ

Диққат янги рукн: Миллий истиқлол ғояси

Ҳурматли газетхонлар! Мамлакатимиз таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни умумлаштириб, бир сўз билан ифодалайдиган бўлсак - баркамол авлодни шакллантириш. Ушбу сифат замирида фарзандларимизнинг билимли, уддабурон, соғлом ҳамда мустақил фикрга эга бўлиши каби талаблар ётса-да, шахснинг айнан ушбу имкониятларини тўғри йўлга, эзгу ишларга, ўз Ватани ҳимоясига ва мамлакат куч-қудратини оширишга йўналтириб турувчи бир маънавий куч мавжудки, бу — миллий истиқлол ғоясидир.

Негаки, у (яъни ғоя), ҳар биримизда табиий равишда туғиладиган «Мен нима учун дунёга келдиму нима учун яшаяпман?», ёки «Қандай яшашим керак?» деган саволларга жавоб бера оладиган кучли маънавий манбадир. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фанининг таълим тизими барча турлари ўқув дастурларига киритилиши ва фан сифатида ўқитила бошланганидан асосий мақсад ҳам ўқувчиларни, талабаларни ёшлигиданоқ онгли ҳаёт кечиришга кўниктириб бориш, уларга ўзлари яшаб турган она ер — Ватан аждодлардан қолган бебаҳо мерос экани, қолаверса, унинг тақдири, келажаги улар қўлида эканлиги, шунга муносиб ворислар бўлиб вояга етишлари лозимлиги каби тушунчаларни сингдиришдан иборат.

Тугалланган ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб барча таълим муассасаларида ушбу фандан сабоқлар олиб борилди. Айни кунда ўтган қисқа фурсатда амалга оширилган ишлар маълум маънода сарҳисоб қилиниб, бу борада келгусида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланмоқда. Газетамизда бугун очилаётган янги —«Миллий истиқлол ғояси» рукнида сизларни ушбу жараёндан воқиф этиб бориш ниятидамиз.

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ — ЗАРУРИЯТ

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини яққол кўрсатмоқда. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди.

Бу эса юрт тараққиётини таъминлаш, келажагимизни ўзимизга яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик заруратини юзага келтирди. Ушбу эҳтиёжни қондириш, қолаверса, олдимизга қўйган улуғвор вазифаларни ҳар томонлама бекаму кўст бажаришимиз учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш зарур эди.

Маълумки, миллий истиқлол ғоясини қандай зарурат шакллантиради ва ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима? - деган саволларга жавоблар Президентимиз Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидаги фикр-мулоҳазалари асосида яратилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" номли рисолада ўз аксини топди. Мазкур рисола Сўз бошисида қуйидаги фикрни ўқиймиз: «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу мақсадлар замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир».

Агар жамият тараққиётига «Инсоният тарихи — ғоялар тарихидир» деган тамойил асосида назар солинса, XX асрда бу жиҳатдан давлатларнинг уч хил шакли борлиги кўринади.

1. Муайян ғоя ва мафкура мутлақлаштирилган (идеологизациялашган) давлатлар. Бунда бирон бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилади, бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмайди. Ўзгача қараш-даги кишилар йўқ қилинади, уларга хос ғоя ва мафкуралар таъқиқланади. Собиқ иттифоқ, баъзи социалистик лагерь мамлакатлари ва фашизм ҳукмрон бўлган давлатлар бунга мисол бўлади.

2. Юқоридаги ҳолнинг халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта кулфатлар келтиргани, фашизм ва коммунизмнинг моҳиятан бир хил, аммо, бир-бирига қарама-қарши мамлакатлар ҳаётини бутунлай қамраб олгани, охир-оқибат иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқаргани Ғарбдаги кўпгина мамлакатларни бошқача йўлдан боришга мажбур қилди. Бу йўл сиёсат ўз йўлига - ғоя ўз йўлига, мафкура ўз йўлига - давлат ўз йўлига, деган қараш (деидеологизация) асосида шаклланди. Аммо XX асрнинг 60-йиллари охирига келиб бу йўл ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафкурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти ҳалокатли бўлиши мумкинлиги, жамиятда умумий бир ғоявий тамойиллар лозимлиги аниқ бўлиб қолди.

3. Демократия, фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умумий мафкуравий тамойиллар бўлишига эришиш мумкин? Бу демократияга зид келмайдими? - деган саволлар пайдо бўлди. Ана шу саволларга жавоб тариқасида илғор демократик давлатларда ғоявий тараққиётнинг замонавий йўли — реидеологизация тамойиллари асосида ҳаёт кечиришга ўтилди. Бунда бирон-бир мафкура ҳукмрон ва давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу соҳада ҳам асосий ислоҳотчи сифатида иш юритади. У жамиятдаги тинчлик, барқарорлик, муштарак мақсадларга эришиш учун бошқа соҳалар каби, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам тараққиётнинг ҳамма учун бирдек аҳамиятга эга бўлган умумий тамойилларига бутун жамият миқёсида амал қилинишини кафолатлайди. Бунда давлат мафкурачи эмас, балки жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ранг-баранглиги учун ҳуқуқий-сиёсий кафолатлар, ғоявий асослар ва мафкуравий имконият доимо мавжуд бўлишини таъминлайди.

Президентимизнинг мафкуравий соҳадаги воқеалар ривожини олдиндан кўриб амалга оширган чора-тадбирлари туфайли Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибидан чиқиб, мустақил тараққий этаётган давлатлар орасида биринчи бўлиб ана шундай жараёнга кирди.

БАЪЗИ НАЗАРИЙ ТАМОЙИЛЛАР

Гарчи соғлом мафкура зарурат бўлса-да, нега ҳалигача, нафақат оддий одамларимиз орасида, балки ўзини зиёлиман, деб ҳисоблаган айрим юртдошларимиз ичида ҳам миллий ғоя, миллий мафкура нима, демократия шароитида у шунчалик керакми, деб юрганлар ҳам бор. Шу нуқтаи назардан тарғибот-ташвиқот ишларимизда, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз қалби ва онгига сингдиришда бу қандай назария, у ким учун, нима учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган саволларга имкон қадар ойдинлик киритиш даркор.

(Давоми 2-бетда)



ЯНА БИР МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Самарқанд шаҳридаги "Сартепа" мавзесида 600 нафар ўқувчига мўлжалланган Туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қуриб битказилди. Уни Самарқанддаги "Ўй-жой қурилиш" ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари барпо этди.

Коллеж туризм таржимони, катта менежер, меҳмонхона ходими, ҳисобчи, видеомуҳандис, сартарош каби мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ушбу даргоҳ ёшларни ўз бағрига олади.

Суратда: Самарқанддаги "Сартепа" мавзесида барпо этилган Туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг кўриниши.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАР БИР ЎҚУВЧИГА – ДАРСЛИК

Дарслик таъминотига ҳар бир киши масъул. Сирдарё тумани халқ таълими бўлими ходимлари айни кунда ана шундай тамойил асосида иш юритаётирлар.

— Дарсликларсиз тушунчаларни ўзлаштириб бўлмайди, — деди Сирдарё тумани ХТБ услубият хонаси мудири Сайёра Умарова. — Буни халқ таълими соҳасида ишлаётганлар яхши тушунади. Шу боисдан ҳам туманимизда бу борада ибратли ишлар қилинаяпти. Тумандаги 43 та илм масканининг барчасида "Мактаб бозори" ташкил этилган.

Мудиранинг гаплари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида тумандаги қатор мактабларда бўлдик. Ҳақиқатан ҳам барча илм масканларида китоб савдоси йўлга қўйилибди. Чунончи, 1-мактаб (раҳбари Акмал Аширматов) таълим ўзбек тилида олиб бориладиган синфлари ўқувчилари 80 фоиз, русийзабон синфлари ўғил-қизлари 77 фоиз дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланибди. 7-мактаб(раҳбари Миразим Йўлдошев)да эса илм маскани ер участкасидан ишлаб топилган даромаднинг аксарият қисми жорий таъмирга сарфланаётган экан. Айни пайтда бу ерда ҳам "Мактаб бозори" ишлаб турибди. Аҳён-аҳёнда бўлса-да, ота-оналар фарзандларига дарслик сотиб олишаяпти. Мактаб жамоаси янги ўқув йили бошлангунга қадар ўқувчиларни 92 фоиз мавжуд дарслик билан таъминлашни мўлжаллашмоқда...

— Туман халқ таълими бўлимига 42 номдаги дарсликлар келтирилган, — деди туман ХТБ кутубхоналар бўйича услубчиси Жамила Рўзиева. — Бунинг учун туман ҳокимлиги томонидан 1 миллион сўм айланма маблағ ажратилди. Ҳозир айланма маблағнинг туриб қолмаслиги учун ҳаракат қилаётирмиз. Ҳамма мактабларда китоб сотувини йўлга қўйдик. Саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, илм масканларини мавжуд дарсликлар билан таъминлаш даражаси таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда 89,9 фоиз, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда 74,9 фоиз, қозоқ тилидагиси 69,9 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, туманда дарслик таъминотига катта эътибор берилаётир. 1-синф ўқувчиларига совға тариқасида бериладиган дарслик ва ўқув анжомлари тахт қилиб қўйилган. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ҳомийлар ёрдамида дарсликлар сотиб олинган. Аксарият мактабларда жорий таъмир якунланаяпти. Бир сўз билан айтганда, Сирдарё туманида янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин олиб борилаётир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

Дарслик қандай ёзилади? 2-бет

Yangi alifboni o'rganamiz 3-бет

Qaror va ijro

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ

Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда Узбекистон таълим муассасаларида 120 мингга яқин олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар педагоглик фаолияти билан шуғулланмоқда. Бир неча йиллар муқаддам мамлакат раҳбари томонидан кўтарилган ва жиддий танқид остига олинган бу муаммо ечимининг аҳамияти ўтган давр ичида ортса ортдики, асло камаймади.

Шу кунларда зиёлилар аҳли томонидан илиқ қарши олинган Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2001/2002 ўқув йилида Узбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида"ги Қарори (28.06.2001) юртимиз таълим тизимидаги муҳим масалалардан бири бўлмиш умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш муаммосини ечиш учун қўйилган дадил қадам бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, айни пайтда 3 йилдан ортиқ педагогик стажга ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган, тест имтиҳонларидан муваффақият билан ўтган ҳар бир фуқаро, эндиликда олий ўқув юртларида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимлар (МСБ)да ўқиши ва олий маълумотли бакалавр илмий даражасини олиши мумкин. Шуниси алоҳида аҳамиятга эгаки, биринчи ўқув йили учун ажратилган 1200 ўринда талабалар ҳеч қандай ҳаражатларсиз, яъни давлат гранти асосида таълим оладилар. Ушбу квота республикамиздаги баъзи олий ўқув юртлари—Тошкент Давлат педагогика университети (400 та), АндижонДУ (110 та), Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти (100 та), ҚорақалпоқДУ (115 та), Наманган муҳандислик-педагогика институти (100 та), САМАРҚАНДДУ (140 та), ФарғонаДУ (105 та) ва Урганч ДУ (130 та)лари бўйича тақсимланди.

МСБни тугатган битирувчилар ҳам бошқа олий ўқув юртлари талабалари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, ўз истагига кўра ўқишни магистратура босқичида давом эттириши мумкин. Айни пайтда абитуриентлар ҳужжатларини жамлаш, уларни тест асосида ўқишга қабул қилиш ва 3 йилга мўлжалланган ўқув дастурлари асосида ўқитишни бошлаш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Таълим жараёнининг 3 ўқув курси мобайнида давом этиши ҳам МСБнинг яна бир ўзига хос жиҳатини белгилайди.

Мутахассис сифатида мазкур қарор ва уни бажариш билан боғлиқ жараёнга муносабат билдиришини сўраб, Ҳукумат қарорига асосан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мақомини олган ТДПУ ўқув бўлими бошлиғи, МСБга қабул бўйича масъул котиб муовини Р.Исматуллаевга мурожаат қилдик ва қуйидагича жавоб олдик:

— Қарорга кўра, ҳозир МСБга қабул қилинажак талабаларни бошқа факультетларнинг сиртқи бўлимлари каби 5 йил эмас, балки 3 йилда олий маълумотли мутахассис қилиб етиштиришга мўлжалланган ўқув дастурларини тузиш устида иш олиб борилмоқда. Бу масала баъзи ўқув фанларини қисқартириш, айримларини эса бирлаштириш ҳисобига ҳал этилади. Дейлик, педагогика касб-ҳунар коллежини ёки техникумини тугатган ҳар бир талаба, албатта, педагогика назарияси ёхуд она тили ва адабиёти фани курсларини ўқиган бўлади. МСБда эса илгари ўтилган курсларни қисқартириш мумкин. Ўрта махсус маълумот билан таълим муассасаларида ўқитувчи сифатида фаолият курсатаётганларда билим ҳам, тажриба ҳам бор, биз бу ўқитувчиларни янги педагогик технологиялар, таълимнинг энг сунгги ютуқлари билан қуроллантиришимиз, уларга соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини тушунтириб беришимиз зарур.

Энди эса, 3-4 фарзанди бўла туриб ҳам, талаба бўлиш орзусида юрган баъзи абитуриентларнинг бу жараён ҳақидаги фикрига қулоқ солинг:

Толипова Карима (Тошкент вилояти, Қибрай тумани, 37-ўрта мактаб ўқитувчиси): "Иш стажим 18(!) йил, бироқ бутун умр мана шу университет (Низомий номли ТДТУ—таҳр.) талабаси бўлиш орзусида эдим. Ҳукуматимиз томонидан яратилган бу имкониятдан, албатта, фойдаланиб қоламан.

Мусаева Дилфуза (Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, 36-ёрдамчи мактаб ўқитувчиси): "Яна талаба бўлиб, вақтимни йўқотишдан асло қўрқмайман. Чунки биз сингари аросатда қолган ўқитувчиларга берилган бу имтиёзни қадрламаслик ношукурлик бўларди."

Бироқ масаланинг иккинчи томони бизни ўйлантириб қўйди. Негадир шундай катта имкониятлар яратилган бўлишига қарамасдан, абитуриентлар жуда суст. Биргина ТДПУ мисолида рақамларга мурожаат қиламиз. Университетга боргач, унинг махсус сиртқи бўлимида ташкил этилган Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишига 22 та (30 ўринга), Касбий таълим йўналишига 91 та (60 ўринга), Мусиқий таълим йўналишига 24 та (30 ўринга), Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналишига 12 та (15 ўринга)гина абитуриент ҳужжат топширган, холос. Университетнинг фақат Бошланғич таълим ва тарбиявий иш йўналишигагина бир оз кўпроқ — 457 нафар (210 ўринга) абитуриент ҳужжат топширган. (Ҳужжат топширганлар сони 16.07.2001 йил ҳолатига нисбатан олинди). Энг ёмони — бу кўрсаткичлардан мазкур ўта муҳим қарорнинг моҳияти жойларда одамлар онггига етиб бормаяпти, деган хулоса чиқариш мумкин. Ушбу ачинарли ҳолатни зудлик билан бартараф этиш учун, фикримизча, кенг ташвиқот ишлари олиб борилиши керак. Туман (шаҳар), вилоят халқ таълими бошқармалари эса бунга жуда катта ёрдам беришлари зарур.

Ботиржон ҒОФУРОВ, Самаржон ҲУСАНОВ.

JUMLADA JAHON

- **2001 йил 14 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

- **Пойтахтимиздаги Марказий Офицерлар уйида Куролли Кучлар академиясининг навбатдаги битирувчиларини хизмат жойларига кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

- **Мамлакатимизга ташриф буюрган Шанхай шаҳри маъмурияти вакили Чжан Хуэйсин раҳбарлигидаги делегация Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлди.**

- **Самарқандда мамлакатимизда фаолият юритаётган "Ўзбекистон-АҚШ" дўстлик жамиятининг бўлими ташкил этилди.**

- **Ўтган куни Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзян Цзэминнинг Москвага ташрифи чоғида Хитой ва Россия ўртасида дўстлик шартномаси имзоланди.**

- **Озарбойжон президенти Г. Алиев табиий газ экспорти бўйича ҳукуматлараро битим имзолаш мақсадида Грузия раҳбари Э. Шеварнадзени Бокуга расман таклиф қилди.**

- **Яман президенти Али Ибн Солиҳ асаб касаллиги хуруж қилганлиги сабабли Германия шифохоналарининг бирига ётқизилди.**

- **Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Туркияга 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга қарор қилди.**

Шу маънода Ғарб файласуф ёзувчиси Стендалнинг «Одамзод бахти учун ҳамма нарсадан воз кечишга ўргатадиган эзгу ғояларни кишиларга сингдириш ажиб санъатдир», деган фикри бежиз айтилмаган.

Ўз касбини, яъни фанини ҳар томонлама чуқур биладиган, амалиётда дарсликларни бир-бирларидан фарқлаб, таҳлил қила оладиган амалиётчи, олим, методистлар ушбу жараёнга таклиф этилиши мумкин.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ҒОЯ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи Сўз бошисида Юртбошимиз томонидан мафкурага қуйидагича аниқ ва лўнда таъриф берилган: "Миллий мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир".

Мана шу иқтибосдаги ҳар бир ифода, ҳар бир иборани ҳар қанча шарҳлаш, тушунтириш мумкин. Шу билан бирга миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаёт талабларини, бугунги тараққиётимиз масалаларини эътиборга олган ҳолда ўрганиш, бойитиш, такомиллаштириш ва тушунтириш, тарғиб этиш керак.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғояси тасодиф эмас, балки тарихий илдизлар, илмий-назарий асосларга эга яхлит назариядир. Шу маънода у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурати, қонуний ҳосиласи, халқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир.

Бу борадаги жараёнлар Президентимиз томонидан асослаб берилган мафкуравий соҳа ривожининг қуйидаги муҳим қонунига таянади: муайян ижтимоий, воқелик, ҳаёт тарзи ва иқтисодий, сиёсий ривожланиш босқичига хос ғоявий-мафкуравий тизим бўлгани сингари, ўзгарган ижтимоий воқелик, ҳаёт тарзи ва ривожланиш босқичига мос янгича мазмундаги ғоявий тизим ҳам бўлиши лозим. Ҳаётдаги ўзгаришлар мафкурадан ортда қолиши ёки илгарилаб кетиши ҳам мумкин, аммо бу, бирор бир ҳаёт тарзига муайян умумий ғоя, мафкуравий тизим мос келиши тўғрисидаги қоидани йўққа чиқара олмайди.

Бу қонун қуйидаги қоидалар орқали намоён бўлади:

-ҳар қандай жамият, давлат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётда ўзининг аниқ йўли, ривожланиш тамойилларига эга бўлгани каби ғоя ва мафкура соҳасида ҳам қатъий тамойилларига эга бўлиши шарт;

-ҳар қандай жамият, давлат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилишига мос келадиган, уни ғоявий жиҳатдан ҳимоя қиладиган мафкуравий тизимга эга бўлиши шарт;

-ҳар қандай жамият, давлат ўз тузилишини асослайдиган ва ифодалайдиган мафкуравий тизимга эга бўлмас экан, ўзи учун ёт, бегона ва зарарли мафкуралар хуружи учун очиқ нишон бўлиб қолаверади.

Ана шу қоидаларга кўра собиқ иттифоқдаги воқелик ва ҳаёт тамойиллари ўзига мос келадиган мустабид мафкура билан тавсифлангани каби, мустақил Ўзбекистондаги туб ўзгариш ва янгиланиш ҳам янгича ва соғлом мафкурани талаб қилар эди. Марказида партиявий, синфий ва мустабидчилик тамойиллар устивор бўлган собиқ мафкуравий тизим ўзи яратган ва хизмат қилган тузум билан бирга ўтмишга айланди. Ўзбекистонда эса, соғлом мафкурага асос бўладиган бунёдкор ғоялар тизими шакллана бошлади.

Бу эса ўз навбатида, «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар» - деган фикрнинг ҳаққоний эканлигини исботлайди. Биз ана шу ҳаёт ҳақиқатини одамлар қалби ва онгига сингдиришимиз, бу борада таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг замонавий усуллари, илғор технологиялардан унумли фойдаланишни ўрганишимиз лозим.

Шу маънода Ғарб файласуф ёзувчиси Стендалнинг «Одамзод бахти учун ҳамма нарсадан воз кечишга ўргатадиган эзгу ғояларни кишиларга сингдириш ажиб санъатдир», деган фикри бежиз айтилмаган.

ҒОЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

Болаларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг таълим тизимига жорий этилиши муҳим воқеа бўлди. У жамиятимиз тараққиётининг асосий ғояси - юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит ва изчил таълимотни ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш вазифасини бажаради.

Бу фан миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, тарихий негизлари, илмий, фалсафий илдизлари, ўзига хос намоён бўлиш қонунлари ва хусусиятлари тўғрисида билим беради. Ушбу фанни ўқитишни тўғри ташкил қилиш, таълим-тарбиянинг илғор усул ва технологияларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бу борада қуйидаги фикр дастуриламал бўлиб ҳисобланади: «Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва уни Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги 2001 йил 18 январдаги Фармойиши эълон қилингач, уни амалга ошириш юзасидан қатор ишлар бажарилди.

Узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта таълим тури ўқув дастурларига миллий истиқлол ғоясининг мазмуни ҳамда асосий тушунча ва тамойиллари тўғрисида асосий маълумотлар киритилди. Жумладан, I-IV синфлар ўқув режасидаги «Одобнома» дастурини қайта ишлаш натижасида, 24 соат ҳажмда, янги фан маълумотлари ўрин эгаллади. V-VI синфларда ўқитиладиган «Ватан туйғуси» ўқув фани дастурига 12 соатга мўлжалланган, ғоявий тушунчалар сингдирилган 11 та мавзу киритилди. VII-IX синфлар ўқув режасидаги «Маънавият асослари» ўрнига «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани жорий этилди. Унга ажратилган 102 соатнинг 34 соатини миллий истиқлол ғоясига оид мавзулар ташкил этади. «Ватан туйғуси» ҳамда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фанларидан давлат таълим стандарти лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида мазкур фан тажриба-синов дастури асосида жорий ўқув йилининг 2-семестридан битирувчи курсларда 40 соат (24 соат маъруза, 16 соат семинар) ҳажмда ўқитилди. Бу фанни ўқитишни такомиллаштириш мақсадида 17 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида экспериментал майдончалар ташкил этилди. Кузатилган натижалар, экспериментатор профессор-ўқитувчиларнинг илмий-услубий таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва янги ўқув йили учун мазкур фандан тажрибавий ўқув қўлланмаси тайёрланмоқда.

Олий таълим тизимининг бакалавриат босқичида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани битирувчи курсда 52 соат ҳажмда ва магистратура босқичининг иккинчи курсида 64 соат ҳажмида иккинчи семестрдан бошлаб ўқитилди. Мамлакатимизнинг етарли илмий салоҳиятга эга ва тажрибали профессор-ўқитувчилари мавжуд бўлган олий таълим муассасаларидан 15 таси мазкур фанни ўқитиш бўйича экспериментал майдончалар сифатида белгиланиб, улардаги таълим жараёни махсус ташкил этилган эксперт гуруҳлари томонидан илмий-услубий жиҳатдан ўрганиб борилди.

Бу соҳани ўқув қўлланмалари, адабиётлар билан бойитишга катта эътибор берилмоқда. «Одобнома», «Ватан туйғуси» дарсликлари қайта ишланди. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» дарслиги «Маънавият» нашриётида чоп этилмоқда. Олий таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари учун мазкур фан бўйича 2 та дастур (ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида), 2 та тажрибавий ўқув қўлланмаси, изоҳли кўргазмали воситалар тўплами ҳамда изоҳли луғат тайёрланди. Булардан ташқари ўқувчи ва талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун 11 та рисола чоп этилмоқда.

ЭЪТИБОРГА МОЛИК ЖИҲАТЛАР

Албатта, илмий асоссиз ишнинг натижаси самарали бўлиши қийин. Шу боис фуқароларимиз, аввало ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида Фан ва техника давлат қўмитасида «Жамият ҳаётини эркинлаштириш шароитида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этиш» номли Давлат илмий-техник дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурдаги 39 та мавзудан 19 таси бевосита миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини амалий тадқиқ этишга бағишланган. Ушбу мавзулар таълим тизими ва ундан ташқаридаги аҳоли учун турли дарслик, қўлланма, луғат ва рисолалар билан тугалланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга Фан ва техника давлат қўмитаси миллий истиқлол ғояси бўйича таълим тизимининг барча босқичлари учун давлат тилидан бошқа тилларда дастур, қўлланма ва дарсликлар тайёрлаш борасида алоҳида лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фани ана шу йўналишдаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Бу соҳадаги амалиётни ўрганиш мазкур фанни ўқитишнинг самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги асосий талабларга амал қилиш зарурлигини кўрсатмоқда:

-ёшлар онгида ғоялар ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш, ўз маъно-моҳиятига кўра ғояларнинг бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақида тўғри билимлар ҳосил қилиш;

-миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақилликнинг муқаддас қадриятлиги. Уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканини ўқувчи ва талабаларнинг қалби ва онгига сингдириш;

-ёшлар орасида миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, таълим-тарбия жараёнида умуминсонийликнинг устуворлиги тамойилларига оғишмай амал қилишга алоҳида эътибор бериш;

-дарс режаларини тузиш ва машғулотларни олиб боришда меъёрларга жиддий аҳамият бериш, бунда талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш;

-айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълимнинг эскича услубларини қўллаш натижасида фаннинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;

-таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

-таълим жараёнида тазйиқ ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратиш;

-ўқитувчи ва тингловчилар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамфикрлик муҳитини шакллантириш, мавзуларни шарҳлашда ҳаётий ва таъсирчан мисоллар, бугунги воқеалар таҳлили ва матбуот материалларидан кенг фойдаланиш;

-мазкур фанни ўқитиш жараёнини муттасил кузатиш, таҳлил қилиш орқали уни илғор технологиялар, методологик тавсиялар ва усуллар асосида такомиллаштириб бориш.

Юқоридаги жиҳатларга риоя қилган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш ўқитувчиларимиздан изланиш, ижодкорлик, фаолликни, таъбир жоиз бўлса, огоҳликни ҳам талаб этади. Зеро, ўтган бир йиллик тажриба миллий истиқлол ғояси фанини ўқитиш борасидаги ишларда ҳали айрим камчиликлар, нуқсонлар борлигини кўрсатди. Чунончи, деярли барча таълим тизими муассасаларида миллий истиқлол ғояси фани бўйича ўзбек тилидан бошқа тилларда ўқув қўлланмалари етишмайди. Кўргазмали ўқув қуроллари ва таълимнинг техник воситалари сонини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш зарур. Миллий истиқлол ғояси фани самараси бошқа ижтимоий фанларга, улар ўқитиладиган кафедраларнинг моддий-техник таъминланишига боғлиқ. Аммо бу масалага ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Ўзбек, рус, қорақалпоқ ва бошқа тилларда «Миллий истиқлол ғояси» фани бўйича ягона намунавий дастур ва дарсликлар яратиш, уларда ҳаётий маълумотларни кенгайтириш, фактлар билан бойитиш, ғоялар тарихи ҳақида амалий ва назарий билимларни кўпроқ бериш зарур. Дарсликлар ва қўлланмаларни ғоялар, мафкураларнинг ҳозирги замондаги таъсир усуллари, мафкуравий полигонлар фаолиятининг оқибат-натижалари ҳақида маълумотлар билан бойитиш лозим бўлиб турибди. Мавзуларни бугунги кунда содир бўлаётган воқеалар билан боғлашда услубий қийинчиликлар сезилмоқда. Мазкур фан бўйича маъруза ва амалий машғулотларни қандай олиб бориш, ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини қай тариқа ташкил этиш каби масалаларга бағишланган илмий-услубий қўлланмалар яратиш зарурати етилган.

ҒОЯ ВА МАСЪУЛИЯТ

Дунё тажрибасидан аёнки, жамият ҳаётидаги ҳар қандай янгилик уни ҳар бир аъзосининг тушуниши ва фаол иштироки билангина тўлиқ ҳаётга татбиқ этилиши мумкин. Шундай экан, ўқувчи, талаба ёшларимиз таълим даргоҳларидан янгича руҳ билан келганда ота-оналар, ака-опалар яъни катталар уларнинг фикрига эш бўла оладими, деган савол туғилади. Шу маънода таълимдан ташқари ташкилотларда, маҳаллаларда, яъни 75 фоиз аҳоли ўртасида ғоявий тарбия қандай йўлга қўйилганлиги ниҳоятда муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Барча авлод вакилларини пировард мақсадлар йўлида уюштирувчи бу ғояни халқ қалби ва онгига сингдириш жуда чуқур илмий, назарий-амалий ёндашувни талаб қиладиган машақкатли жараёндир. «Бу борада компаниябозлик, кимўзарга мусобақа уюштириш, эскича усулларни қўллаб, маъмурий тазйиқ ўтказиш фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради».

Миллий истиқлол ғояси ҳам мустақилликнинг ноёб неъмати сифатида ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккури ифодаси бўлиши билан бирга, замонавий, умумбашарий умуминсоний ютуқларга уйғунлашган ҳолда, мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишга қаратилган. Унинг асосий тушунча ва тамойилларини англашни, тушунишни таъмин этадиган энг муҳим тадбирлардан бири ёшларимизда мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ҳимоя қилиш, эркин баҳс юритиш маданиятини шакллантиришдир.

Миллий давлатчилигимизга, ҳаётимизга, тинч-осойишта турмушимизга қарата таҳдид солишга, турли йўллар билан тазйиқ ўтказишга уринаётган ёвуз, бузғунчи ғоявий оқимлар билан қарши кураша олишга қодир мафкуравий механизмни ишлаб чиқиш ҳам бу борадаги муҳим йўналишлардан биридир.

Ҳозирги мураккаб замонда тинчлик ва тараққиётни кўзлаб қилинаётган ижобий ўзгаришлар билан бирга, турли ёвуз кучлар ва қабиҳ ниятли гуруҳларнинг вайронкор хатти-ҳаракатлари ҳам бор. Дунёда глобаллашув, геосиёсий тўқнашувлар, реидеологизация жараёнлари кечаётган ҳозирги даврда бундай кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш илинжида ҳар қандай бузғунчи усуллардан фойдаланиш ҳамда бу йўлда пухта ўйланган, узоқни кўзлаган маккорона режалар асосида иш олиб бормоқда. Улар катта куч ва маблағ сарфлаш эвазига одамларнинг диний, миллий ҳиссиётларидан, бугунги ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткинчи иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлардан ва энг хатарлиси — ғоявий-тарбиявий ишларимиздаги камчиликлардан фойдаланиш ҳаракатидалар.

Ушбу вазият, юксак мақсад-муддаоларимизни қатъий амалга ошириш зарурати, аввало, мамлакатимизнинг ғоявий, мафкуравий ва ахборотлар тарқалиши соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда маърифий-мафкуравий тарбия борасидаги ишларни бугунги кун талаблари асосида ташкил этишни тақозо қилмоқда. Бундаги энг асосий шарт собитқадамлик билан узлуксиз иш олиб бориш ҳамда амалий фаолиятнинг ботинийлиги ва мунтазамлигини таъминлашдан иборат.

Бу эса ўз ўрнида тарғибот-ташвиқот ишларининг замонавий шакллари, самарали мафкуравий технологиялар ва уларни амалга ошириш воситалари бўйича дастур ва қўлланмалар яратиш, воқеаларнинг ривожланиш даражаси ва динамикаси ҳисобга олинадиган илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини кун тартибига қўяди.

Биз кўпмиллатли ва кўпконфессияли мамлакатда яшаяпмиз.

Миллий истиқлол ғояси юртимиздаги 130 дан ортиқ миллат, 10 дан ортиқ конфессия, турли қатлам вакиллари учун умумий тамойилларни ифодалайди. Ундаги «миллий» иборасига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Бунда у «миллий валюта» «миллий дастур» каби умуминсоний мазмундаги тушунча сифатида қўлланилади. Шу боис бутун Ўзбекистон халқининг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган миллий истиқлол ғоясини ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантириш, уни одамларга етказиш, бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш ниҳоятда муҳим.

Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган вазифалар ўта жиддий ва ҳар биримиздан янгича фикрлаб, фаол ҳаракат қилишни талаб этади. Бу вазифаларни бажариш барчамизнинг зиммамизга жамиятимизнинг пировард мақсадларига етиш учун мазкур соҳадаги фаолиятимизнинг амалий йўналишларини янада аниқ белгилаб олиш масъулиятини юклайди. Пировард мақсад эса миллий истиқлол ғоясини том маънода халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдан иборатдир.

Мақола «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фани бўйича махсус методологик комиссия материаллари асосида Ғ.ШОУМАРОВ, Қ.НАЗАРОВ томонидан тайёрланди.

Сиз янги рукннинг илк мақоласи билан танишдингиз. Унда асосан миллий истиқлол ғояси зарурияти, мақсади ва уни таълим тизимига жорий қилиш ва омма онгига сингдириш масалаларига, бу борада эътибор қилиниши, амалга оширилиши муҳим бўлган жиҳатлар ҳақида сўз кетди. Кўтарилаётган мавзу долзарблигини ҳамда унинг барчага таллуқли эканлигини инобатга олиб, ўз тақдири, юрти келажагига бефарқ бўлмаган зиёлилар, олиму ўқитувчилар кўпроқ амалий таклифлари, тажрибалари билан газета орқали ўзаро ўртоқлашишади, деган умиддамиз.

Термиз туманидаги "Лола" мактабгача таълим муассасасида 78 нафар жажжи ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Тайёрлов гуруҳидаги дилбандлар математикадан 1 дан 20 гача тўғри ва тескари санаш, қўшиш, айириш, баробар амаллари, катта-кичик белгилар билан танишмоқдалар. Лотин алифбоси, ҳарфлар элементларининг ёзилиши, шунингдек, расмга қараб бир-икки жумладан иборат ҳикоячалар тузиш, шакллардан гуллар, уйча, дарахт ясашни ҳам баҳолиқудрат ўрганаётирлар.

Суратда: тайёрлов гуруҳи ширинтойлари машғулот пайтида.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ДАРСЛИК ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Бугун таълим тизимида аудио, видео ва компьютер каби техник воситалар кенг қўлланилаётган бир пайтда ўқувчилар диққатини ўзига жалб этувчи, сифатли, рангли мактаб дарсликларининг яратилиши давр талабидир.

Дарслик билим бериш воситаси ҳисобланади. Айни пайтда эса дарсликнинг ушбу вазифаси янада такомиллашди. Бугунги кун дарсликлари жаҳон андозалари даражасида, замон эҳтиёжлари талабларига жавоб бериши лозим. Унда турлича ўқитиш методларини тавсия этиш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, шунингдек, олинган билимларни кундалик ҳаётга татбиқ эта олиш каби кўникмаларни ривожлантиришни ўз ичига олиши керак.

Шу нуқтаи назардан биз ушбу мақолада соҳа вакилларини Франция элчихонаси билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфлари учун "Француз тили" дарслик-мажмуаларнинг яратилиш жараёни, улардаги янгича ёндашиш, методлар билан таништириб бориш ва уларни таҳлил қилиш муаммоларига тўхталишни лозим топдик.

Олдимизга қўйилган мазкур вазифаларни ҳал қилишда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари ҳамда янги педагогик технология ютуқлари, тил ўрганиш ҳамда ўргатишнинг коммуникатив методлари, дарсликни мажмуа шаклида (ўқувчи китоби, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва аудио кассеталар) яратиш, дарслик материалларини янгича педагогик технологияларда бериш, шунингдек, интернет тизими орқали маълумотлар, дизайн жараёнида китобларнинг мазмунини бойитишга хизмат қилувчи расмлардан фойдаланиш каби йўналишларни назарда тутдик.

Муаллиф — бу дарслик ёки қўлланмани асосий ғоялари билан ҳамда билим ва кўникмалари ёрдамида дунёга келтирувчи шахс ҳисобланади. Яратиладиган қўлёзмалар эса шаклан, мазмунан ёки ҳажмига кўра турлича бўлиши мумкин.

Ўз касбини, яъни фанини ҳар томонлама чуқур биладиган, амалиётда дарсликларни бир-бирларидан фарқлаб, таҳлил қила оладиган амалиётчи, олим, методистлар ушбу жараёнга таклиф этилиши мумкин.

Муаллифлар орасида якдиллик, умумфикрлик бўлиши учун уларни танлаб олиш пайтида турлича саволномалардан фойдаланилади.

Муаллифларга топшириқларни қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда тақсимланади:

—баъзи муаллифлар дарсликнинг интеллектуал йўналиши, яъни стандарт, дастурга мослиги, методикаси, мақсадлари каби йўналишлари билан шуғулланса, айни чоғда бошқалари материал тўплаш ишлари билан машғул бўладилар;

— бошқа муаллифлар гуруҳида эса ўзаро дарслик мазмунидан келиб чиққан ҳолда чоракма-чорак ёки бошқача тарзда тақсимлаб олинади-да, ҳар бир муаллиф ўзига тегишли қисми билан ишлаши мумкин;

—айрим муаллифлар гуруҳи эса, методист раҳбарлигида консультантлар ҳамкорлигида иш олиб борадилар.

Муаллифларнинг гуруҳ ҳолда ишлаши ҳозирги кунда дунё тажрибасида ўзини оқлаган, самарали йўналиш деб аташимиз мумкин. Лекин ушбу ҳолатда ҳам иккита муҳим қийинчиликка дуч келиниши мумкин: гап дарсликнинг шакл ва мазмуни хусусида муаллифларнинг ўзаро келишуви ҳақида кетмоқда.

"Француз тили" дарслигини ёзиш жараёнида ушбу муаммолар қуйидагича ҳал этилди. Яъни 5-6-7-синфлар учун ҳар бир синфда 4 нафар муаллиф мавжуд бўлиб, улар ўз тажрибалари асосида иш бошлаган эдилар. Тажриба шуни кўрсатдики, муаллифларнинг асосий қисми дарсликнинг умумий мазмунига кўпроқ эътибор беради-да, ундаги методологик ва педагогик йўналишлар ҳисобга олинмайди, қолган муаммолар ушбу жараёнга раҳбарлик қилаётган методист ёки консультантлар томонидан бартараф этилди.

А.НОСИРОВ,
РТМ француз тили методисти,
З.АБДУШУКУРОВА,
ДТМ француз тили методисти

ЁШЛАРИМИЗ ЭЗГУЛИК САРИ ИНТИЛМОҚДА

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги "2001-2002 ўқув йилида Узбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига асосан Навоий давлат педагогика институти қошидаги мавжуд 6 та факультетнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига жами 1135 нафар талабалар қабул қилиш режалаштирилган.

Шундан кундузги бўлимга давлат гранти асосида 425 нафар, тўлов-контракт бўйича 580 нафар, ҳамда давлат гранти асосида 50 нафар, тўлов-контракт бўйича—80 нафар талабалар сиртқи бўлимга қабул қилинади.

Жумладан, 2001-2002 ўқув йилида Тарих факультети қошида "Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси" бўлимини, Физика-математика факультети қошида рус гуруҳлари учун "Физика-асрономия" бўлими, Табиатшунослик ва жисмоний тарбия факультети қошида сиртқи "География" бўлими, бошланғич таълим услубиёти ва мусиқа факультети таркибида "Мактабгача тарбия" бўлимлари очилди.

Олийгоҳга катта орзу-умидлар билан келган абитуриентларнинг ҳужжатларини 15 ихтисослик бўйича 18 нафар техник операторлар қабул қилишда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳар куни қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумот Республика ДТМ томонидан ишлаб чиқилган ва автоматлаштирилган "Абитур АСУ" дастури орқали ДТМга жўнатилиб борилмоқда.

Шунингдек, таълим йўналишлари бўйича абитуриентлардан олинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар икки шакл бўйича ҳар куни қургазма тахтаси орқали эълон қилиб борилмоқда. 12 июль ҳолатига жами бўлиб 4840 та абитуриентнинг ҳужжати қабул қилинганлиги қайд этилган. Қабул комиссиясининг мазмунан иш олиб бораётганлиги қуйидаги амалга оширилган ишлардан маълумдир.

Тест жараёни бўйича консультациялар жадвали тузилиб, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган. Қабул комиссияси аъзолари томонидан тест жараёни бўйича консультациялар ҳар куни соат 10.00 дан 14.00 гача қаттиқ назорат тартибида олиб борилмоқда.

Фанлар бўйича консультациялар жадвали мавжуд бўлиб, уларни самарали ўтказиш бўйича етакчи профессор-ўқитувчилар жалб этилган. Бундан ташқари институт ва Қабул комиссияси раҳбарияти фуқароларни қабул қилишни тузилган жадвал асосида амалга оширмоқдалар. Олис манзиллардан келган абитуриентларга институт томонидан ётоқхона берилиб, уларни тест-имтихонларига жиддий тайёргарлик кўришига қулайликлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, Қабул комиссияси абитуриентлардан ҳужжатларни 20 июл кеч соат 20.00 гача қабул қилиши, тест имтиҳонлари 1 август куни муваффақиятли ўтказилиши бўйича маҳаллий ахборот воситаларидан кенг фойдаланаётганлиги биргина абитуриентларда эмас, балки уларнинг ота-оналарини масъулиятини оширмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ,
Навоий вилояти

Интеграциянинг бу турида ҳар иккала бўғиндаги ўқув юртлари ўқув режаларини мувофиқлаштириш ва унификациялаш натижасида бакалавриат таълими муддатини ярим ёки бир йилга қисқартириш имконияти туғилади.

Ўқитишнинг ижодий жараён бўлишига эришиш учун ўқитувчи ўрганиладиган материалнинг мазмунидан келиб чиқиб, дарсни ҳақиқий маҳорат ва давр руҳи билан ўтказса, у, албатта, ўқувчи қалбига йўл топа олади.

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

9-ДАРС

Z ва S ҳарфлари

Ушбу ҳарфлар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида жарангли ва жарангсизлигига кўра фарқланадиган, аммо ҳосил бўлиш ўрни ҳамда усулига кўра бир-бирига ўхшаш товушларни ифодалашга хизмат қилади. Бу ҳарфларнинг ёзилишида ўзига хос қийинчиликлар бор. **Z(z)** ҳарфи сатр чизиғи устида ёзилиб, босма ва ёзма шакллари бир-бирига ўхшаш кўринишда бўлади. Ёзма шакли ўнг томонга қараб бир оз оғма кўринишда бўлиб, устки ва остки ётиқ чизиқлари тўлқинли ёзилиши лозим. **Z(z)** ҳарфининг босма ва ёзма шаклларини фарқланган ҳолда ёзиб кўринг.

Z(z) ундоши тилнинг олд қисмида ҳосил қилиниб, тил ва тиш орасидан сирғалиб чиқувчи жарангли товушдир. Бу ундош сўз бошида, сўз ўртасида ва хусусан сўз охирида фаол қўлланади. Масалан, **завол-zavol, зид-zid, азоб-azob, тизза-tizza, овоз-ovoz, туз-tuz** каби.

S(s) ундоши эса **Z(z)** товушининг жарангсиз жуфти ҳисобланиб, унга нисбатан фаолроқ ундош сифатида қўлланади.

S(s) ҳарфининг босма шакли ёзилишига кўра анча қулай, ёзма шакли ҳам унчалик қийинчилик туғдирмайди. Сатр чизиғи устида жойлашадиган бу ҳарфнинг бош қисми **K,F** ҳарфларники каби тугунак кўринишида бўлиши лозим. Бу ҳарфнинг катта ва кичик кўринишлари ёзилишига кўра бир хилдир. Ёзиб кўринг: **S,...Saodat, Safo; s,...soat, ost, vasiy, kes** каби.

S(s) ундоши ҳам **Z(z)** каби тилнинг олд қисмида, ҳаво оқимининг тил учи билан тишлар орасидан сирғалиб чиқишидан ҳосил бўлади, аммо ундан фарқли ҳолда жарангсиз товуш ҳисобланади. Сўзнинг барча ўринларида кела олади ва бирдай талаффуз қилинади.

Масалан, **соз-soz, сут-sut, даста-dasta, васваса-vasvasa, асос-asos, бас-bas** каби.

Энди бу ҳарфларнинг талаффузи ва имло қоидаларига боғлиқлиги билан тавсифланувчи хусусиятларига тўхталамиз:

1. Сўз охирида келган **Z** ундоши жонли нутқда жарангсизлашиб, **s** товушига мойил талаффуз қилинса ҳам, ҳамиша аслига мувофиқ ёзилиши керакligини унутманг. Қиёсланг: **келамиз>келамис-kelamiz, томиз>томис-tomiz, парвоз>парвос-parvoz.**

Бундай ҳолат сўз ўртасида **z** жарангсиз ундоши жарангсиз ундошдан олдин келганда ёки z билан тугаган ўзакка жарангсиз ундош (кўпинча **s**) билан бошланувчи қўшимча қўшилганда янада сезиларли жарангсизлашган тарзда намоён бўлади. Қаранг: **изчил>исчил-izchil, изтироб>истироб-iztirob, тузсиз>туссиз-tuzsiz.**

2. Ҳар иккала ҳарф, яъни **z** ва **s** асосан олинма сўзларда қўшалоқ кела олади. **z** ундоши кўпинча араб тилидан ўзлашган сўзларнинг ўртасида қўшалоқ қўлланади. Бундай сўзларнинг талаффузида битта **z** айтилса ҳам, имлода икки ҳарф ёзилиши лозим. Қаранг: **Раззоқ-Razzoq, лаззат-lazzat, иззат-izzat, наззора-nazzora.**

S ҳарфи эса рус тили орқали ғарб тилларидан ўзлашган сўзларда қўшалоқ тарзда қўлланади. Сўз охири ва ўртасида келувчи қўшалоқ **s** ундоши битта товуш сифатида талаффуз қилинса ҳам, аслига кўра доим икки ҳарф билан ёзилади. Масалан, **конгресс-kongress, пресс-press, трасса-trassa, касса-kassa** каби.

3. S(s) ҳарфини ёзишни ўрганиш жараёнида шу ҳарф билан бошланувчи **-si** эгалик қўшимчасини тўғри қўллашни ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилинг. Зеро, араб тилидан ўзлашган **парво, мавзу, авзо** каби охири унли билан тугайдиган сўзларга III шахс эгалик қўшимчасини кўпчилик ноўрин ишлатади. Билиб қўйингки, **mavzu, baho, xato, xudo, orzu** каби сўзларга III шахс эгалик қўшимчаси **-yi** эмас, **-si** шаклида қўшилади. Қаранг: **mavzuyi** эмас, **mavzusi, xatoyi** эмас, **xatosi, orzuyi** эмас, **orzusi** каби.

1-топшириқ. z ва **s** ҳарфлари қўшалоқ келадиган сўзларни кирилл ва лотин ёзувидаги алифболар бўйича қиёслаб ёзинг.

2-топшириқ. z ундоши сўз охирида жарангсизланадиган сўзларни топиб, имло қоидасига биноан ёзинг ва тўғри ўқинг.

Абдурозиқ РАФИЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири,
филология фанлари номзоди, доцент

СЕРТИФИКАТ ОЛИШДИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 16 нафар ходими "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси" курсини муваффақиятли тугатишди. Тилшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Равшан Жомонов тингловчиларга 3 ойлик курсни битирганликлари ҳақида "Маърифат" халқаро жамиятининг сертификатини топширди.

Доцент Р.Жомоновнинг таъкидлашича, лотин ёзувини ўрганувчи тингловчилар сардори, подполковник Бахтиёр Отамирзаев, капитан Жомурод Холбеков, хизматчилардан Севара Ҳасанова ҳамда Асима Сафаровалар дарсларни яхши ўзлаштирганлар. Курсда 48 соат ҳажмида таҳсил олган тингловчилар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини эндиликда ҳеч бир қийинчиликсиз ёзиш ва ўқиш имконига эга бўлдилар.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, айни пайтда вазирликнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган русийзабон ходимларни давлат тилига ўқитиш ишлари давом эттирилмоқда. Тингловчилар олти ой ичида 96 соатлик ҳажмда ўқитиладиган давлат тилини ўзлаштиришга улгурсалар ажаб эмас.

Гўзал НАЗИРОВА

Mutaxassis mulohazalari

МЕН ДАРСГА НИМА УЧУН БОРАМАН?

Таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўқитувчининг шахси билан боғлиқдир. Шунга кўра аввало ўқитувчи шахсини шакллантириш, уни таълим ва тарбиянинг энг илғор шакл ва методлари, энг тўғри воситалари асосида ҳар томонлама пухта билимли, юксак маданиятли инсон қилиб камол топтириш лозим. Булар ўқитувчининг касбий етукликка эришиши, ўз ишига ижодий ёндошишида катта роль ўйнайди.

Маълумки, ўқитувчининг юксак педагогик маҳоратни эгаллаши ғоят мураккаб жараён бўлиб, педагогика фанининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Ўқитувчи дастурга киритилган, дарсликларда берилган материаллар билан чекланмай, ўрганиладиган мавзуга оид қўшимча материаллар билан ҳам яқиндан танишиши, ҳар бир мавзуни ўтишда тарбиявий жиҳатини ҳам ҳисобга олиши ва ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унга эришиш йўлларини белгилашда, яъни дарс режасини тузишда синфдаги ўқувчиларнинг билим-савиясини, мазкур фаннинг ютуқлари ва янгиликларига муносабатини, қолаверса, унинг ўзига хос хусусиятларини, қизиқиш ва дунёқарашларини ҳам назарда тутиши лозим.

Бунда аввало шуни айтиш лозимки, ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам доимо ўзининг мавжуд имкониятидан тўлиқ фойдалана олмайди ва педагогик маҳоратини батамом намойиш қила билмайди. Ваҳоланки, ўқитувчи бир мавзуни кўп марталаб ўтади. Шу ўринда ўқитувчининг ҳар бир дарсни ўтказишини ҳақиқий санъаткор бирон бадиий образни мукаммал яратишига қиёслаш мумкин. Истеъдодли актёр ҳам мукаммал образ яратиш учун ўз ролини жуда кўп такрорлайди, уни юзларча марта саҳнада намойиш қилади. У ҳар гал шу образ характерининг қандайдир номаълум қирраларини топади ва уларни ҳар сафар саҳнага чиққанида ўша образда мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам актёр бир ролни қайта-қайта ўйнаганида уни айнан такрорламайди, балки тобора мукаммаллаштириб боради. Аслида ижодкор ўқитувчи ҳам мавзуни айнан такрормаслиги, уни нималар биландир бойитиб, такомиллаштириб бориши лозим. Зеро, ижодий изланиш ҳар бир соҳада муваффақият гарови бўлади.

Ўқитувчининг касбий такомиллашишини олимлар илмий-методик жиҳатдан шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Биринчиси, мазмуний, яъни ўқитаётган фанининг мазмуний компонентига тегишли. Кўпчилик ўқитувчилар учун мазмуний муаммоларнинг мавжудлиги янги ва ҳали ўрганилмаган иш ҳисобланади. Аввалари ўқитувчи мазмунни белгилашга ҳаққи йўқ эди, энди эса, ўқитувчилар ўз фанининг ўқитилишига доир муаммоларни ҳал этиш жараёнида фаол қатнашувчи ва ҳал қилувчи фикр субъекти ҳисобланади. Улар таълим мазмунига доир баҳсларда (касбий нашрлар орқали) қатнашадилар ва ўз тажрибаларида тегишли вариантларни синаб кўрадилар.

Иккинчиси, коммуникатив муаммолар. Бу муаммолар гуманизм ва демократия идеалларига жавоб берувчи янги мулоқот усулининг шаклланиши билан боғлиқ. Ўқитувчи меҳнатининг мураккаблиги ҳар бир ўқувчи кўнглига йўл топиш ва ҳар бир шахсдаги имкониятларнинг ривожланишига шароит ярата билишдадир. Энг муҳими, ўқувчининг ўзини шахс деб тушунишига ўқитувчи ёрдам бериши зарур, ўзлигини, ҳаётни, дунёни идрок этишга эҳтиёж уйғотиши керак. Дарс таъсирчанлигини ошириш учун болалар билан муомаланинг турли усулларини қўллаб, қизиқтириб, ўйинга ўхшатиб ғаройиб суҳбатлашиш лозим бўлади. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга йўналтирилиши керак. Бунда: оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни шакллантириш кўзда тутилади.

Кейингиси услубий муаммолар:Ўқувчи ўз шахсий имкониятларини кўрсата олишини таъминлаш учун ўқитиш қизиқарли, илмий жиҳатдан тўйинган, ижодий жараён бўлиши керак.

Шу уч муаммони биргаликда кундалик ечиш жараёнида ўқитувчи юқори намунадаги касбий маҳорат эгасига айланади. Ўқитишнинг ижодий жараён бўлишига эришиш учун ўқитувчи ўрганиладиган материалнинг мазмунидан келиб чиқиб, дарсни ҳақиқий маҳорат ва давр руҳи билан ўтказса, у, албатта, ўқувчи қалбига йўл топа олади.

Республикамиз, шу жумладан, вилоятимиз умумтаълим мактабларида фидойилик билан фаолият кўрсатаётган илғор тажрибали ижодкор, новатор ўқитувчиларнинг иш мазмунини ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларидан келиб чиқиб, ўқитувчининг касбий такомиллашувига доир ушбу маслаҳатларни беришни лозим топдик.

- Агар дарсга шунчаки иш эмас—муомала, машғулот эмас— санъат, жадвалдаги соатлар эмас—ҳаёт деб қаралса, унда ўзингиздан тез-тез сўранг: дарсга нима учун бораяпман? Мен болаларнинг олдига бораяпман!
- Дарс бериш—бу, инсон қалбига йўл топиш демакдир. Ва билинг: сўздаги ахлоқийлик-ҳақиқат. Амалдаги ахлоқлилик-адолатдир.
- Тажрибали педагоглар дарсларни қандай олиб боришларини кузатинг ва ўз дарсингизда ўрганинг.
- Ўзингизни ва ўз қарашларингизни назарий баҳслар билан эмас, балки дарс билан тасдиқланг. Ўз йўлингиз билан боришдан қўрқманг.
- Ўқитувчи бутун маҳоратини ёрқин намоён қиладиган дарс бўлмайди. Ҳар биримиз қилаётган ишимизга қараганда мукаммалроқ, кучлироқмиз ва бу-ҳали ишлатилмаган имкониятимиздир.
- Эсингизда бўлсин: ҳар бир, ҳатто кўп йиллаб чархланган дарс ҳам нимаси биландир янги, биринчидир.
- Ўқитувчи ишига ўқувчилар берган баҳо энг мўътабар кимсаларнинг фикридан муҳимроқ.

Ю.САЙДИЁРОВ,
М.ҲАСАНОВ,
Жиззах вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти оммалаштириш ва нашриёт бўлими услубчилари

СУВ—ЖИРИКЛИК РАМЗИ



Сув бор жойда ҳаёт бор. Инсонлар сувни худо томонидан берилган олий неъмат, абадий туганмас бир нарса деб тушунишган. Унинг ниҳоят даражада қимматли неъмат эканлигига ишонч ҳосил қилишган.

XX аср бошларидан бошлаб, ер юзида саноатнинг ривожланиши, янги ерлар, янги каналларнинг очилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Табиат бағридаги ҳар бир нарсанинг ўз ўрни ва вазифаси бор. Мувозанатнинг бузилиши оғир оқибатларга олиб келади.

Сувнинг ҳаддан ташқари ўйламасдан кўп ишлатилиши, сув ҳавзаларининг қуриб кетишига сабаб бўлди. Бунга Орол денгизи мисол бўла олади. Натижада минглаб тонна туз шамол орқали узоқ масофаларга учиб бормоқда ва экологик муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Кишиларнинг ҳар хил касалликларга дучор бўлаётгани, дарахтзорларнинг қуриши, қушларнинг камайиши, ҳайвонот дунёсига келтирилаётган зарар чидаб бўлмас даражага етди. Сувни эъзозлашимиз, уни она каби қадрлашимиз лозим. Табиат ва унинг бир бўлаги бўлган сув—ўзига қилинган эътиборсизликни ҳеч қачон кечирмайди.

Катталарнинг бу хатосини биз ёшлар қандай тўғрилашимиз мумкин? Сувни сақлаш билан—ҳаётни, соғлиқни ва табиат чиройини сақлаган бўламиз.

Ота-боболаримиз сувга тупурмаган, ахлат ташлашмаган. Улардан мириқиб ичишган. Ҳозир Тошкент шаҳрининг қайси ариғидан, анҳоридан сув ичиб бўлади?

Эй инсонлар! Бунга айбдор ким?—деб ҳайқиргим келади. Нега бунчалик лоқайд бўлиб қолдик? Келинглар, сувни эъзозлайлик!

Муяссар ОДИЛОВА

ҚОНУН ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАЙДИ

Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасида ўтказилган йиғилиш "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Андижон ва Жиззах вилоятларидаги ижросига бағишланди.

— Андижон вилояти аҳолисининг 11,4 фоизини Жиззах вилояти аҳолисининг 22 фоизини ўн саккиздан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади, — деди Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасининг раиси Азамат Зиё "Туркистон-пресс" мухбирига. — Айни пайтда Андижон вилоятида иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг 37 фоизини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли ташкил этмоқда.

А.Зиёнинг таъкидлашича, Ёшлар ишлари қўмитаси ишчи гуруҳи мазкур вилоятларда бўлиб, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуннинг бир қатор моддалари ижроси юзасидан текшириш ўтказди. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгилаб берилган 5-моддага кўра, меҳнат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида мустақил равишда ҳамда меҳнат бўлимлари орқали мурожаат қилганларга ўз мутахассислиги бўйича иш таклиф қилинмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги "Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси" ҳисобидан энг паст фоизларда қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилмоқда.

Лекин мазкур вилоятларда берилаётган кредит маблағларидан тўлиқ фойдаланилмаган. Ҳукумат қарорларида бу борада кўрсатилган имкониятлар оммавий ахборот воситаларида яхши ёритилмаган.

Шунингдек, қонуннинг аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришда қўшимча кафолатлар белгиланган 7-моддасига кўра, Андижон вилояти бўйича 2001 йил учун 611 корхона ва ташкилотлардан 13187 та квоталанган иш ўринлари ажратилган. Жиззах вилоятида 2001 йил учун 339 та корхона ва ташкилотлардан 4486 та квота иш ўринлари ажратилган.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, 2001 йилнинг биринчи чорагида Жиззах вилоятида атиги бир киши меҳнат шартномалари асосида чет элга ишлашга юборилган. Демакки, ушбу йўналишда тегишли тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда Қонуннинг айрим моддаларида қўйилган ваколат ва талаблар доирасида ишлар тўлиқ амалга оширилмаётгани таъкидлаб ўтилиб, зарур тавсия ва чора-тадбирлар белгиланди.

"Туркистон-пресс".

Yangicha ish usuli

ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯ — ЯНГИ СИФАТ

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида янги ташкил этилаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими жаҳоннинг кўплаб ушбу соҳа мутахассис-экспертларининг эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Мазкур мақолада интегратив жараёнларни таълим босқичининг касб-ҳунар коллежлари доирасида амалга ошириш борасидаги фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашишни мақсад қилиб қўйдик.

Авваламбор, интеграция ва дифференциация тушунчаларининг туб моҳиятига назар солайлик.

"Интеграция" лугатимизга яқин кунларда кириб қолган сўз бўлмай, балки унинг замирида фанларнинг ўзаро алоқаси тушунилади ва у фанда, техникада азалдан маълумдир. Зеро, интеграциясиз жараённинг ўзи йўқ, образли қилиб айтганда ердаги ҳаёт, сув, инсон, табиатда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларнинг барчаси интегратив жараёнларнинг маҳсулидир. Масалан, оддий сув водород ва кислороднинг ўзаро бирикмасидан ҳосил бўлишини ҳамма билади. Аммо, газсимон икки элемент заррачаларини табиий шарт-шароит таъсирида сувга айланиши инсоннинг аралашувисиз содир бўлгани учун бундай жараённи табиий интеграция деб аташ мумкин.

Бироқ инсоннинг ақл-заковати билан яратилган саноат ва турмуш буюмлари сунъий интеграция маҳсулидир, чунки бу жараёнда турли хосса ва хусусиятларга эга бўлган икки ва ундан ортиқ элементлардан, бошқача хосса ва кўринишларга эга бўлган янги сифатли маҳсулот ҳосил бўлади. Шундай қилиб, интеграция тушунчасининг асл моҳиятига якун ясайдиган бўлсак, у табиатда, жамиятда, ижтимоий ҳаётда, фан ва техникада, халқаро соҳада ҳам мавжуд бўлиб, айниқса, сунъий интеграция жараёнлари жамиятни ривожлантирувчи ва ҳаракатга келтирувчи механизмдир.

Табиат ва жамият учун интеграция қанчалик зарур бўлса, дифференциация (табақалаш) жараёни ҳам аҳамияти жиҳатидан ундан қолишмайди.

Илмий билимларнинг пайдо бўлиш тарихидан маълумки, дастлаб дунёдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳияти яхлит бириккан манбаларда ифода этилган, бироқ даврлар ўтиши, илмий билимларнинг жадал ўсиши ва ривожланиши натижасида фанда дифференциация (табақаланиш) жараёни бошланиб, битта фан негизида унинг хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш имконини таъминловчи йўналишлар ва бир неча мустақил фанлар шакллана бошлаган. Масалан, геологияда минерология, петрография, полеография ва бошқалар; физикада механика, электротехника, назарий механика, атом физикаси, оптика ва бошқа қатор мустақил фанлар шаклланган.

Ҳар қандай жамиятда содир бўладиган иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар таълимда ҳам ўз ифодасини топиши аниқ ҳақиқат ва ҳаётий эҳтиёжга айланиб бораётган даврда таълим тизими ва мазмунини интеграциялашга кучли зарурат сезилмоқда. Чунки собиқ иттифоқ даврида фанлараро боғланиш, фан ичидаги боғланиш деган тамойил ёки методик усуллар ўзини оқламади. Ваҳоланки, фанлараро боғланишни қунгилдагидек амалга ошириш учун ўқитувчи ўзи ўқиётган фандан ташқари, яна бир қанча фанларнинг нозик томонларини билиши зарур бўлади. Табиийки, ҳар бир ўқув фани соҳасида илмий ахборотлар мислсиз равишда кўпайиб бораётган ҳозирги "ахборотлар асри"да ўқитувчининг бошқа фанларни билиши қийин, албатта!

Агар гап умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунининг интеграцияси хусусида кетаётган бўлса, бу ишни педагогика олий ўқув юртлари бакалавриат босқичи ўқув режаларининг қайта қуриб чиқилишидан бошлаш керак. Чунки ҳозирги педагогика олий ўқув юртини битирувчилар қўшма фандан дарс беришга тайёр эмас. Фикримизча, олий ўқув юртлари учун интегратив ўқув дастурларини тузиш ва ўқитиш тамойиллари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга вақт етди. Шу муносабат билан, педагогика университетлари ва индустриал педагогика институтларининг бакалавриат босқичидаги талабаларга мўлжалланган, интеграциялаштирилган ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратиш лозим.

Бинобарин, бу иш таълим мазмунини ислоҳ қилиш билан боғлиқ давлат миқёсидаги муаммодир.

Айни чоғда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида янги турдаги лицей ва коллежларнинг ташкил этилаётгани таълим тизимида интеграция сари қўйилган дадил қадам бўлиб, миллий дастур назарда тутган таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш вазифаларига муносиб жавобдир. Жамият, фан-техника, ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, умуман, ҳамма соҳадаги интегратив жараёнларнинг ҳар хил кўринишдаги шакллари таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаши зарур.

Қуйида интегратив жараёнларнинг алоҳида турлари ва улар билан боғлиқ хусусиятларни баён қиламиз:

Биринчиси, битта ўқув предмети мазмунидаги интеграция — у ёки бу ўқув предметининг мазмунини мантиқий равишда изчиллаштиришга йўналтирилган блокли ёки тармоқли мувофиқлаштирилган дидактик тизимдир. Бу ҳолдаги интеграцияда тушунчалар тизими илмий тадқиқотлар хулосалари асосида тартибга келтирилади.

Иккинчиси, таълим мазмунини интеграциялаш — ўқув предметларидаги илмий тушунчаларнинг турдошлик хусусиятларидан келиб чиқиб икки-учта фанлардан қўшма ўқув предметларини яратиш. Интеграциянинг бу турида турдош тушунчаларнинг моҳият ва хусусиятлари омухта курс доирасига сингдириб юборилади. Масалан, агар табиийёт фанларининг элементлари интеграциялаштирилган ҳолда берилса, теварак-атрофдаги табиат, борлиқни, микро ва макро олам тузилишини, табиат ҳодисаларининг содир бўлиш сабабларини, инсон, унинг табиатда тутган ўрнини алоҳида фанлар орқали табақалаштириш эмас, балки яхлитлик асосида дунёни билиб олишга имкон беради. Бу эса ўқувчиларга, теварак-атрофдаги олам сирлари ҳақида мантиқий фикрлашни ўргатиш билан бирга, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришга кўмаклашади.

Учинчиси, таълим тизимидаги интеграция — олий ўқув юртлари бакалавриат бўғинлари қошида ёки унинг ташқарисида тўташ ўқув режалари асосида ташкил этиладиган ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейлардан иборат булажак қўшма ўқув юртларидир. Интеграциянинг бу турида ҳар иккала бўғиндаги ўқув юртлари ўқув режаларини мувофиқлаштириш ва унификациялаш натижасида бакалавриат таълими муддатини ярим ёки бир йилга қисқартириш имконияти туғилади. Аммо бу ҳолда бакалавриат бўғинида ўқиш муддатини камайтириш учун қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади. Бинобарин, бунда таълим тизимининг самарадорлиги ва камчиқимлилигини таъминлаш билан бирга, айрим фанларни чуқурроқ ўзлаштириш учун имконият яратилади.

Тўртинчиси, халқаро таълим интеграцияси — хорижий мамлакатлар таълим тизими ёки мазмунини ватанимиз таълими назарияси ва амалиёти билан уйғунлаштиришдир. Узбекистон билан ГФР ўртасидаги таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик бунга мисол бўлиши мумкин.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоланинг интеграция турлари ҳақидаги қисмига якун ясаб, шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз таълими тизимида интеграция жараёнлари турли шаклларда: тизимда ҳам, мазмунда ҳам мавжуд, аммо бу жараёнлар қонун актлари билан етарли даражада мустаҳкамланмаганлиги туфайли у стихияли равишда намоён бўлмоқда.

Бу ўринда ГФРнинг иккиёқлама (дуаль) усулда касбга ўргатиш тизими эътиборга лойиқ. Чунки мамлакатда мактабни битирувчи ёшларнинг тахминан 70 фоизи дуал тизимдаги касб бирга ишлаб чиқариш таълимини бевосита банкнинг кўзга кўринган мутахассислари олиб борадилар.

Чкалов номидаги авиасозлик бирлашмасидаги интегратив жараёнлар юқорида кўрсатиб ўтилган ўқув юртидан қолишмайди. Бу жойда ҳам таълим энг замонавий техника билан жиҳозланган ўқув хоналарида олиб борилади. Ишлаб чиқариш таълими эса бевосита ишлаб чиқариш цехларида олиб борилиши болаларнинг касбга бўлган мослашишини тўлдиради.

Фикримизча, Германия ва ўзимизда бошланган ижобий жиҳатларни педагогик тажрибадан ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Биз юқорида таълим бўйича халқаро миқёсдаги интеграцияларнинг характерли хусусиятларини баён қилган эдик. Шу ўринда Германиянинг Манхай шаҳридаги МАН автомобилсозлик корхонасининг фаолиятидаги интеграция жараёнларини газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Автокорхонада ҳаммаси бўлиб 3 минг киши меҳнат қилса ҳам, юқори даражадаги унумдорлик туфайли бир кунда 25 та автомобиль корхона конвейеридан тушиб, буюртмачиларга етказиб берилади. Оз куч сарфлаб юқори даражада унумдорликка эришишнинг сири нимада? Корхона ўз атрофига юридик жиҳатдан мустақил бўлган кичик корхоналарни шартнома асосида бирлаштирган, бу корхоналар ишлаб чиқарган товарларнинг бир қисми автокорхонага, иккинчи хил товарни эса халқ истеъмол бозорига сотадилар. Бу усулнинг афзаллиги кичик корхоналарнинг товар бозорида банкрот хавфидан йироқлиги билан характерланади. Табиийки, кичик корхона ўзи ишлаб чиқарган товарни корхонага ёки бозорга сотиши турган гап. Агар кичик корхона ўзи ишлаб чиқарган товарнинг бир қисмини сотувга чиқариб, қолган қисми вақтинчалик касодга йўлиқса ҳам, ўз фаолиятини бир неча вақт давом эттираверииши уни банкротдан ҳимоя қилади.

Фикримизча, бу тажриба эътиборга лойиқ бўлиб, уни ўрганиш замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кичик ва қўшма корхона қошида касбга ўргатувчи ўқувчи ўринларини ташкил этишда асқотади.

Катта корхоналарнинг кичик корхоналар билан интеграциялашиш жараёни ҳам эътиборга лойиқ. Германия билан Узбекистоннинг таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги натижасида ҳар икки томоннинг ўзига хос янгиликлари билан ўзаро алмашиш, бу соҳада янги сифат ва самарага эришишнинг бирдан-бир йўлидир. Буни, МАН автокорхонаси ўқув цехларида лойиҳалар яратиш ва саноат намуналарини ясаш бўйича ўқувчилар билан олиб борилаётган ижодий конструкторлик ишлари мисолида кўрсак бўлади. Мазкур методик усулнинг янгилиги шундан иборатки, ўқувчи касб мактабига келганидан кейин, унга эгаллаши лозим бўлган касб-кори бўйича топшириқ берилади. Масалан, бўлажак машинасоз-чилангар 3 йил давомида эгаллаган назарий амалий билим ва малакаларига асосланиб, ички ёнув двигателининг ҳаракатдаги моделини ясаб, уни битирув имтиҳонида ишлашини намойиш қилиши керак. Касбга тайёрлашдаги бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, машина ёки ускунани ясаш жараёнида бутун ўқиш давомида эгалланган билим ва малакалар мажмуаси интеграциялашган ҳолда фойдаланилади. Бу усулнинг яна бир ижобий жиҳати ўз-ўзини назорат қилишдир. Агар модел ёки қурилма ишламаса, демак, назария ва амалиётни етарли даржада ўзлаштира олмагани сезилиб, ўқувчини ўқув топшириқларини қайта ишлаб чиқишга мажбур қилади.

Шундай қилиб, мазкур қиёсий мақолага нуқта қўяр эканмиз, таълимда интеграция жараёнлари кичик мутахассиснинг касбий тайёргарлигида ўта муҳим ва объектив зарурият бўлиб, Узбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатиб ўтилганидек, ўқувчиларни ижодий камолот сари йўналтирувчи механизмдир. Бинобарин, таълимдаги бундай механизмнинг самарали ишлаши таълим-тарбияда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиб, ўқувчи ёшларнинг касбий тайёргарлигида янги сифатни таъминлайди.

Рўзимурат ЧОРИЕВ,
ЎМКҲТ Маркази бошқарма бошлиғи, педагогика фанлари номзоди

"Ассалому алайкум" сўзи "Сизга саломатлик бўлсин, тинчлик ва осойишталик бўлсин" маъносида ишлатилиб келинмоқда.

Ирсоли масал атамасининг луғавий маъноси: мақол келтириш. Дарҳақиқат, шоир байтда мақол келтирса, шу санъатни қўллаган бўлади.

Ma'rifat

Qadriyat

ЭНГ ГЎЗАЛ ХУЛК

Аудиторияга кириб талабаларга салом берганингда, эринибгина ўрнидан туриб, алик олган кўпчилик ёшларни, салом берсанг алик олмаган катталарни ёки ўзидан каттага салом бермай бақрайиб ўтиб кетадиган ўсмирларни кўрганингда саломлашиш хусусияти ва фазилати ҳақида улар билан суҳбатлашгинг келади...

Одамларнинг бир-бири билан саломлашиб, қўл олиб кўришиши ажойиб фазилат, одамийликнинг кўрки ва кишилар ўртасида мулоқотнинг дебочаси. Қолаверса, салом-алик инсоннинг аҳлоқий қиёфасини ифодалайдиган белги ва турмуш зийнатларидан биридир.

Салом-алик турли халқларда турлича шаклга эга. Масалан, кўпчилик Европа халқлари саломлашганда бош кийимини ечиб-кийиб қўяди. Ҳиндистонликлар эса, кафтларини жуфтлаб пешонасининг ўртасига теккизиб саломлашади. Афғонларда саломлашиш ўнг қўлини манглайига теккизиб таъзим этиш, арабларда ва бошқа мусулмон халқларида қўл қовуштириб озроқ букилишдан иборат.

Салом-аликнинг тарихи одамзод пайдо бўлган даврларга бориб тақалади. Бу ҳақда Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишонарли тўплам") деб номланган тўпламида Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: "Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида (яъни, унга ўзида бор бўлган "тирик, билувчи, эшитувчи, кўрувчи, сўзловчи каби сифатларни ато этиб) яратди ва бўйларини олтмиш зироъ (газ) қилди. Яратиб бўлгач, ул кишига "Анави ўлтирган бир нафар фаришталарнинг олдига борғилда, салом берғил, сўнг уларнинг сенга айтадиган алигини яхшилаб эшитиб олғил, чунким бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларингга йўлланган салом бўлғайдир!"—деди. Одам алайҳиссалом бориб: "Ассалому алайкум! (Сизларга салом)",— дедилар. Фаришталар: "Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи! (Сенга ҳам салом ва Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!)"—деб алик олишди, сўнг яна: "Ва раҳматиллоҳи фа-кулли ман йадхулу-л-жанната ало сурати одам! (Жаннатга одам суратида кирадиган барча инсонларга ҳам Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!)"—деб қўшиб қўйишди.

Энди "Ассалому алайкум" сўзининг маъноси хусусида тўхталсак, "Ассалому алайкум" арабча сўз бўлиб, аслида "ассалом алайкум" шаклида ажратиб ёзилиши керак. Чунки, биринчи бўғин "ас" арабча "ал" артиклидаги "л" ҳарфининг "салом" сўзидаги биринчи ҳарф "с" билан келган бўғинидир. Лекин "ас-салом" сўзини қабул қилган халқларда қулайлик учун уни дефиссиз, қўшиб "ассалом" шаклида ёзиш одат тусига кириб кетган.

"Салом" сўзи арабча "салима", келаси замон шаклда "йасламу" феълидан олинган бўлиб, "саломатлик, тинчлик, хавф-хатарсизлик, нуқсонсизлик, поклик, осойишталик, халос бўлиш, нажот топиш" каби бир қанча маъноларни билдиради. "Ас-салом" сўзи эса "мутлоқ, камолатли, бекаму-кўст" маъносида ҳам ишлатилади.

"Алайкум" сўзи ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси арабча "алла" қўшимчаси, яъни олд қўшимчаси бўлиб ўзбек тилидаги "га" қўшимчасига тўғри келади.

Шундай қилиб, "Ассалому алайкум" сўзи "Сизга саломатлик бўлсин, тинчлик ва осойишталик бўлсин" маъносида ишлатилиб келинмоқда. Жавоб қилган киши эса "ва" боғловчисини қўшиб, "ва алайкум ассалом" ("Сизга ҳам тинчлик бўлсин") деб қўяди.

"Ассалому алайкум" деб салом беришнинг ўзига хос шартлари ҳам бор:

Бу ҳақда Абу Толиб ҳазратлари шундай деган эканлар:

—"Эй ўғил саломлашиш ярим тарбия. Салом-алигингга қараб кишилар сенинг маданиятингга баҳо берурлар. Қулоғингда бўлсинким, кичикларга аввал қўл узатиб, улар билан сизлашиб сўраш, ўз тенгларинг билан истаганингча ҳазил-мутойиба билан сўраш, катталар олдида эрса ўз ҳурматингни, изза-тингни сақла!"

Шунингдек, салом беришнинг шартлари ҳақида ҳадислар ҳам мавжуд. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: "Бир одам Расуллуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан: "Исломда энг яхши амал қайсидир?"—деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: "Очларни тўйғазмоғинг, таниган ва танимаганга салом бермоғинг", деб жавоб қилдилар".

Дарвоқе, салом кимга ва қачон берилмайди: улфатларнинг суҳбати қизиб турган пайтда халақит бермаслик учун бир чеккада одоб сақлаб турилади, яна жамоат жам жойларда кечроқ келиб ҳаммани безовта қилиб қўл бериб кўришиш шарт эмас. Шунингдек, саломни жамоат тартибини бузган, бадфеъл, одамгарчиликдан чиққан шахслардан аяш керак.

Юқоридагилардан хулоса қилсак, салом беришлик энг гўзал хулқ эканлигига амин бўламиз. Саломга алик олиш эса фарз ҳисобланишини унутмасак бас.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти "Ўзбекистон тарихи ва фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси
Ихтиёр КАРИМОВ,
муҳандислик факультети 3-курс талабаси

Барча турдаги муассасалар ҳамда ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриётининг китоб дўконида барча синфлар учун дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали ўқув қуроллари, ўқувчилар ўқув анжомлари, канцелярия моллари, маънавий-маърифий китоблар, ижтимоий-сиёсий мавзудаги плакатлар мажмуалари — «Юксак маънавият — келажак пойдевори» (7 қисмли), «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (6 қисмли), «Соғлом авлод», Ўзбекистон рамзлари (4 қисмли) мавжуд. Бу маҳсулотларни нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефонлар: 144-35-96, 136-58-99, 136-10-68.

Xullas...

ГАНГСТЕРЛАР БОШЛИҒИ... АЁЛ

Мафия, рэкетчилар тўдалари бошлиғи одатда кўпни кўрган эркаклар бўладилар, деб эшиттанмиз. Германияда фаолият олиб борган, асосан тирик одам савдоси билан шуғулланган Хитой гангстерлари яқинда ГФР полицияси томонидан қўлга олиниб, фош қилинди. Маълум бўлишича, тўда бошлиғи Маи Чаи исмли хитой аёли экан. Бунақасини киноларда ҳам кўрмайсиз!

Тўда Хитойнинг қашшоқ вилоятларидан камбағалларнинг болаларини Германияга олиб келиб, бу ердаги мингдан ортиқ Хитой ресторанлари, кафеларга хизматкорликка сотиш билан шуғулланган. Гарбда хитойликларнинг кўпайиб бораётганининг бир сабаби шундадир, эҳтимол.

ИККИ ҚУЧҚОРНИНГ БОШИ БИР ҚОЗОНДА ҚАЙНАДИ

Ўрис шоу-юлдузлари Киркоров ва Витас Екатеринбургга биргаликда гастролга боришар экан, самолётда дўстона гурунглашиб кетишди. Аэропортда учоқдан тушгач, урушиб қолишди.

Сабаби, ўша — юлдузлик. Ташкилотчилар аэропортда Витасни "Лимузин"га, Киркоровни эса "Мерседес"га ўтиришга таклиф қилишди. "Лимузин" тегмаган Пугачёванинг эри аччиғи чиқиб, шу ердан бирданига ортга — Москвага қайтмоқчи бўлди. Аммо, ўзининг обрўсини ўзи туширишдан қўрқдими, Екатеринбургда қолиб, "рақиби" билан бирга шоу-концертларни қизитди.

ПОЛВОН АЁЛНИНГ ПОЛВОН БОЛАСИ

Одатда чақалоқлар олти ойлик бўлганларида 7-8 кг. вазнга эга бўладилар. Мисрлик бир аёлнинг янги туғилган боласини тортиб кўришганида, у 7,5 кг. эканлиги маълум бўлди. Қизиғи, бу аёлнинг биринчи фарзанди экан. Янаям қизиғи, ёш онанинг ўзи 118 кг. тош босди.

Албатта, чақалоқ-полвонни дўхтирлар тиғ ёрдамида дунёга келтиришди. Ҳозир аҳволи ёмон эмас. Дўхтирлар унинг 6 ойлигида қанча вазнга эга бўлишини тахмин қилишмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ БАҲСИ

Пойтахтимизнинг МҲСК спорт мажмуида 1991 йилда туғилган ўғил-қизлар ўртасида каратэ бўйича "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари соврини учун ўтказилган республика мусобақаси ниҳоясига етди. 30 кг ва ундан ортиқ вазн, тоифаларида ғолиб чиққан ўқувчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ЭНДИ ХИТОЙГА НАВБАТ

Москва шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг навбатдаги 112-сессияси бўлиб ўтди. Унда 2008 йилга мўлжалланаётган Олимпия ўйинларини қайси шаҳарда ўтказиш яширин овоз бериш йўли билан белгилаб олинди. Унда асосан бешта: Пекин, Торонто, Истанбул, Осака ва Париж шаҳарлари даъвогар бўлиб, улардан Пекин кўп овоз олиб ғолиб чиқди.

ТЕНГИ ЙЎҚ ШУМАХЕР

Англияда ўтаётган "Grant Prix" автопойга чемпионатида ДавидУлтсард Майкл Шумахер билан биргаликда чемпионликка асосий даъвогарлик қилишмоқда. Аммо ўтган галги 4-жаҳон автопойга чемпионатида Шумахер ўзининг ким эканлигини кўрсатиб қўйган эди. Бу катта қобилият ва тажриба соҳиби турли чемпионатларда 31 марта биринчиликни қўлга киритган.

ИККИ ТЎП УЧУН

"Эвертон" клуби "Андерлехт" футбол жамоаси ҳужумчиси Томас Радзинскийни 4,5 миллион долларга сотиб олишини маълум қилди. Радзинский эса Европа чемпионлар лигасида "Манчестер Юнайтед" дарвозасига 2 та тўп киритиб, ўз жамоасига муваффақият келтирган эди. Шу боис, ҳозирча клуб раҳбарияти бу ўйинчини четга сотишни хоҳламаяпти.

"LOCK LOMAND" ТУРНИРИ

Шотландияда голф бўйича "LOCK LOMAND" турнирининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли бурчакларидан келган 156 спортчи қатнашди. Ушбу турнир ҳар 4 йилда ўтказилиб, унда халқаро тоифадаги голф усталари ўз кучларини синаб кўрадилар.

maydonchasi

МАЛИКАЛАР МАЛИКАСИ ЭДИ...

Xotira

Дунё шодликлар билан бирга ғам-ғуссаларга тўла дейишса хайрон бўлар эдим. Ўлим ҳақ, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин бевақт ўлим ёмон экан.

Малика Бону 20 ёшда бевақт вафот этди. Гулдай очилмай, сўлди. Исми жисмига монанд бу қиз ҳақида ёрқин хотира қолди. Қизнинг ниҳоятда барнолиги, одоб-ахлоқ бобида ҳавас қилса арзийдиган сифатлари борлиги, энг муҳими, у Оллоҳ берган иқтидори, ўзининг самимийлиги ва ёқимли фазилатлари билан атрофидагиларнинг ҳурматига сазовор бўлгани эътиборлидир.

Малика Бону зиёлилар оиласида ўсиб-улғайди. Отаси Салимов Жумабой ака катта олим, педагог. Онаси Турсуной опа шифокор. Маликанинг ёшлик йиллари қувноқ кечди. Юксак қобилияти туфайли инглиз, араб тилларида худди она тилидагидек гаплашар, таржимонлик санъати ҳам тахсинга сазовор эди. Ёшлар фестивалларида фаол иштирок этди. Телевиденида "Қизлар давраси" кўрсатувининг иштирокчиси, ажойиб ишоралари билан томошабинлар қалбида ажиб бир ҳис уйғотган шоира ҳам эди.

1999 йилда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини имтиёзли диплом билан тугатди ва аспирантурада ўқишни давом эттирди. Шу билан бирга "Ўзбек ташқи иқтисодий ахборот тижорат маркази"да бош директор ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатди.

Ҳар томонлама мукаммалликка эришаётган Малика Бону хизмат юзасидан Миср сафарида Истамбул шаҳрида бевақт вафот этди.

Ҳеч ким "болам" деб йиғламасин экан. Ҳаётда бундай айрилиқни ҳеч бир ота-она бошига солмасин.

Малика Бону халқ таъбирича: "Ҳур қизларга ҳамроҳ бўлиб, жаннатларда жавлон уриб юрсин". Жумабой ака ва Турсуной опаларга Оллоҳ сабр бersин!

Қумри АБДУЛЛАЕВА

НОЛА

Онажон, биласизми, сизни жудаям-жудаям яхши кўраман. Қани эди, сиз ҳозир шу сўзларни эшитиб турган бўлсангиз. Афсус, нималар сўзлаётганимни умуман эшита олмайсиз. Онажон, мана, дунёга келганимга беш кун бўлди. Шу беш кун ичида мени қўлингизга олиш у ёқда турсин, бир қайрилиб ҳам қарамайсиз. Биласизми, менга нима алам қиладди? Ҳамма оналар ўз болаларини суйиб эркалагандa менинг ҳам онам бағрида мағрурланиб, эркаланиб ётгим келади. Аламимдан чинқириб юбораман. Лекин... Эсингиздами, ўшанда ақалли кўз қирингизнида ташлаб қўймагансиз. Онажон, сиз мени ҳеч нарсани тушунмайди, билмайди деб ўйлайсиз, тўғрими? Йўқ, аслида мен ҳаммасини сезиб турибман. Бўлган воқеаларни бир бошдан айтиб беришимни хоҳлайсизми?

... Сиз ёшлик қилдингиз. Тўғриоғи, сиз севгингизни, умрингизнинг энг гуллаган даврини қурбон қилдингиз. Севги-севги дедингизу, севгингизнинг қадрига етмадингиз. Тўғри, севиш гуноҳ эмас. Аммо сиз севгини бошқача деб тушундингиз. Оқибатда сизнинг ширин дақиқаларингиз эвазига мен дунёга келдим. Лекин, наҳотки, буларнинг барчасига мен айбдорман? Мен нима гуноҳ қилдим, онажон?

Ҳамма оналар учун бахт маскани ҳисобланмиш ушбу жой, сиз учун энг бахтсиз жой. Негалигини айтайми? Чунки бу ерда мен тутилганман.

Онажон, сиз ҳаётдан умидингизни узиб қўйгансиз, гунчадек очилган бир пайтда орзуларингиз чилпарчин бўлди. Хиёнаткор севгининг жабрини тортдингиз. Балки шунинг учун ҳам отамдан нафратланарсиз, мен эса уни айбламайман. Сизни эса жуда яхши кўраман. Шу миттигина юрақчам билан сизни тоғдай, йўқ тоғдан-да юксакроқ яхши кўраман...

Кўзларингизда ёш, онажон, йиғлаяпсиз. Қилган гуноҳингиз учун юрак-бағрингиз сиқилиб йиғлаяпсиз. Кейинги ҳаётингизни ўйлаб, армон билан йиғлаяпсиз. Энди на афсус ва на надоматнинг фойдаси бор. Сабр-тоқат ила Оллоҳга шукр қилинг: "Эй тангри, менга фарзанд ато этдинг, оналик бахтини муяссар айладинг, узингга шукр, десангиз-чи, дея қолинг, онажон!".

Қулингизга олган мана шу кўзмунчоқли туморни сизга онангиз, менинг бувижоним, ёшлигингизда не-не орзу-ҳаваслар билан тақиб қўйгандилар. Энди эса уни менга тақиб қўймоқчисиз. Нозик қўлларингиз бўйнимдан тутди. Авайлабгина туморни тақдингиз. Сўнг кўксингизга мени тўйиб-тўйиб бостингиз. Юзларимга қайноқ кўз ёшларингиз томди. Ана шунда мен илк бора узимни бахтли дея ҳис қилдим. Илк бора ва сўнгги бора... Қани эди, ҳаёт шундай давом этса-ю, сиз ёнимдан бир зум ҳам жилмасангиз. Мени бағрингиздан узманг, онажон. Ахир, кимларга ишониб, бу хонада мени ёлғиз қўйиб кетмоқдасиз? Сизни яхши кўраман, ташлаб кетманг, онажон!..

Дилафрўз ЗОИРОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

QUTLOV!



Ҳурматли Авғон АЗИМОВ!

Сизни, таваллуд топганингизга 55 йил, меҳнат фаолиятингизга 34 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этамиз.

Ёш авлод тарбияси йўлидаги барча хайрли ишларингизга ривож тилаймиз. Умрингиз узоқ, толеингиз янада порлоқ бўлишини, соғомон бўлишингизни тилаб қоламиз.

Бахмал туманидаги 31-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз

ШЕЪР САНЪАТЛАРИ

Dars

ИРСОЛИ МАСАЛ САНЪАТИ

Ирсоли масал атамасининг луғавий маъноси: мақол келтириш. Дарҳақиқат, шоир байтда мақол келтирса, шу санъатни қўллаган бўлади. Зеро, ирсол — жўнатмоқ, келтирмоқ; масал — мақолдир. Илми саноеъда бу санъат атамаси ҳар хил тарзда учрайди. Чунончи: ирсоли масал ирсосул масал фил байти; ирсосул масалайн ёки ирсоли ду масал — икки мақол келтириш.

Мақол — фикр қаймоғи, инсоний ақлий тажрибалар ифодаси бўлгани учун байтда мақол ишлатиш санъат даражасида қадрланади. Чунки мақолда катта тафаккур ихтироси ўз аксини топади.

Ирсоли масал санъатидан шоирлар лирик жанрларнинг барча асосий турларида, эпик жанрларда имкон доирасида фойдаланадилар. Бу санъат ғазалнинг исталган жойида учраб қолиши мумкин. Алишер Навоий "Мажолисун нафоис" тазкирасида Мирзо Ҳожи Суғдий ижодига тўхталар экан, ирсоли масал санъатидан фойдаланганига ишора қилиб ёзади: "Бугина масални яхшиғина боғлағон учун умид улким, Тангри таоло анга раҳмат қилмиш бўлғай". Мана ўша ирсоли масал келтирилган байт:

Ўхшатти қоматингга санавбарни боғбон,
Бечора билмас эмиш алифдин таёғни.

Икки мақол келтириш, яъни ирсоли ду масал намунасига мисол қилиб Муҳаммад Ниёз Нишотийнинг "Ҳусн ва Дил" достонидан кўрайлик:

Кимки қозар оқибат ул тушгуси,
Кимки ёқар охир ўшул пишгуси.

Ёки Мавлоно Атойидан:

Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик қил сол суға,
Охир, эй гул хирмани, албатта, ҳар эккан ўрар.

Шоир бошқа халқ мақолларини матнга жалб этса ҳам, ирсоли масал санъати намунаси бўлаверади. Чунончи, Мавлоно Лутфий ғазали мақтаида ёзади:

Бир ғамза етар Лутфийни девона қилурға,
Бордур масал: "Ал оқилу камфиҳул ишора".

Кўряпмизки, шоир "оқилга ишора кифоядир" мазмунидаги араб мақолидан фойдаланган.

Ирсоли масал санъатининг нақадар муҳимлигини яна бир адабий ҳодиса ҳам исботлайди: айрим шоирлар шеърни бошдан-оёқ шу санъат билан безайдилар. Мавлоно Лутфий ва Эркин Воҳидовнинг ғазаллари бунинг ёрқин намунасидир:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким: "Чароғ туби қаронғу".

Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: "Оққан ариққа оқар су".

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,
"Кишининг кўзидур, оре, тарозу".

Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур,
Ки "Қўрқар, қайдаким қон кўрса ҳинду".

Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: "Тилаганни — тилогу".

"Ёшлик девони"дан:

Ажаб васлингга мен энди етишганда кўринди моҳ,
Масал борким, оғиз ошга, бурун тошга тегибдир, воҳ!

Кулиб юргай эдим бир вақт ўқиб Мажнун жунунидин,
Дегайлар, ўзгадин кулма ўзингдин бўлмайин огоҳ.

Севинг деб шеър битиб аввал, ўзим бўлдим асири ишқ,
Ўзи тушгай эмиш охир бировга кимки қазгай чоҳ.

Париваш зулмидин бўлди кўнгул мулки паришонҳол.
Демишлар мулк вайрондир агар золимлик этса шоҳ.

Бўлибсан ошиқ, Эркин, уз умид жондин ўкинч қилмай,
Ўзингга, дейдилар, душман кейин чеккан пушаймон, оҳ.

Ирсоли масал санъатини мунтазам қўллашда Муҳаммад Шариф Гулханий юксак маҳорат намунасини кўрсатган. Шоир "Зарбулмасал"да тўрт юзга яқин мақол ишлатган.

ТАСДИР САНЪАТИ

Мумтоз шеъриятда байтнинг қисмларига махсус номлар қўйишган:

биринчи мисранинг бош қисми ёки рукни — садр;
биринчи мисранинг сўнгги қисми ёки рукни — зарб;
иккинчи мисранинг бош қисми ёки рукни — ибдоъ;
иккинчи мисранинг охирги қисми ёки рукни — аруз;
мисранинг ўрта қисмлари — ҳашв.

Тасдир атамаси "садр" сўзидан ясалган. Тасдирга раддул садри илал аруз деб таъриф беришади. Яъни байт бош қисмини байт сўнгида такрорлаш тасдир деб аталади. Демак, тасдирнинг санъат сифатидаги моҳияти байт бошидаги сўзнинг байт сўнгида такрорланишидир.

Хижрон демангиз санам фироқин,
Ул ўлмак эрур, чи жойи **хижрон**.

Атойи

Қилич билан кирдинг юртимга,
Ўлиминг ҳам келди **қиличдан**.

Муса Жалил

Тасдир санъати тасдир кўрсаткичи бўлган сўзга кучли маъно урғуси бериш учун уни такрорлашни тақозо этади. Юқоридаги Атойи байтида "ҳижрон" сўзининг байт қанотларидаги такрори **ҳижрон** — жудолик даҳшатини тасаввур эттиришга хизмат қилмоқда. Зотан, шоир "ҳижрон"ни "ҳижрон" — "айрилиқ" эмас, балки ўлимдир, демоқда.

Шоир Муса Жалил байтида ҳам **қилич** кўтариб келган фашистнинг ўлими ҳам ўша **қилич**дан содир бўлиши қайд этилган.

Абдулла Ориповнинг "Онажон" шеърининг қуйидаги байтида "онажон" сўзининг тасдир усулида қўлланилгани онага нисбатан диққат-эътиборни кучайтирган:

Онажоним, бундай қилма,
Бундай қилма, **онажон**!

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Самарқанд Давлат университети жамоаси тожик филологияси факультети профессори **Раззоқ ГАФФОРОВ** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Навоий вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Навоий Давлат кончилик институти ректори Баҳодир Раимжоновга опаси **Тўхташхон МИРЗААХМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Ботиржон ҒОФУРОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2617. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.